

Халқ таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги
чекланган ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими бошқарув органлари фаолиятига доир фойдаланилиши чекланган маълумотлар рўйхатига қонунда белгиланган тартибда давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа маълумотлар киради.

Ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти белгилаб кўядиган давлат сирларини сақлашни таъминловчи давлат органлари Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг мулки ҳисобланган ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқаришга ҳақлидир.

Давлат сирларига тааллуқли маълумотларга эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, айрим фуқаролар бундай маълумотлар махфийлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши учун давлат сирлари сақланишини таъминловчи органларга мурожаат этишлари лозим.

Махфийлаштирилиши фуқаронинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сирларига мансуб деб топилиши мумкин эмас.

Ахборот эгалари ахборотларни махфийлаштириш ёки махфийликдан чиқаришга оид ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.